

5-10-2019

STRATEGY OF DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL COMPETENCE IN TRAINING PHYSICAL EDUCATION

Bakhodir Madaminov

NamSU, Candidate of Pedagogical Sciences

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Madaminov, Bakhodir (2019) "STRATEGY OF DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL COMPETENCE IN TRAINING PHYSICAL EDUCATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 49.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/49>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

STRATEGY OF DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL COMPETENCE IN TRAINING PHYSICAL EDUCATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШГУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мадаминов Баходир Шарифжонович НамДУ п.ф.н.

Аннотация: Мазкур мақолада баркамол авлод тарбияси учун масъул бўлган жисмоний тарбия ўқитувчи ва мураббийларининг жисмоний тарбия машгулотларида маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўрнатилган бўлишлари, шу билан бирга ўз педагогик компетентлигини ривожлантириш бўйича зарур бўлган усуллар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Компетентлик, жисмоний тарбия, машгулотлар, педагогик компетентлик, махсус технология.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ В ТРЕНИРОВКАХ ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ

Мадаминов Баходир Шарифжонович НамГУ к.п.н.

Аннотация: В статье идёт речь об ответственности преподавателей физической культуры и наставников, за воспитание гармонично развитого поколения, которые должны быть не только примерами высокой духовно-нравственной культуры, но и должны проявлять свою педагогическую компетентность, вносить свой вклад в дело подготовки высококвалифицированных кадров.

Ключевые слова: Компетенция, физическая воспитания, занятия, педагогическая компетенция, специальная технология, экстремал.

STRATEGY OF DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL COMPETENCE IN TRAINING PHYSICAL EDUCATION

Madaminov Bakhodir Sharifjonovich NamSU, Candidate of Pedagogical Sciences

Abstract: In the article is said about responsibility of teachers of physical training for the education and physical activity of young generation, but also they should be an example of spiritual and cultural person for the people around them and also necessity methods of developing pedagogical competent's.

Key Words: Competence, physical training, occupation, pedagogical competence, special technology, contradictory.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2017 йил 31 октябр куни ўтказилган "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш масалалари"га

[1] бағишланган йиғилишда спорт соҳаси учун малакали кадрлар ва мураббийлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш, спорт мажмуаларидан мақсадли фойдаланиш, иқтидорли ўқувчиларни танлаш, ёшларни спортга жалб қилишда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мураббийларнинг ўрни беқиёсдир.

Баркамол авлод таълим-тарбияси учун жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мураббийлари жавобгар шахс бўлиб, нафақат маънавий-ахлоқий маданият орқали атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратни ҳам намоён эта олиши, етук мутахассис сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига муносиб ҳиссасини қўшишлари зарур.

Педагогик компетенция ва маҳоратга эга бўлиш жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда мураббийлари учун таълим-тарбия самарадорлигини таъминлов-чи замин бўлибгина қолмасдан, нафақат машғулот вақтидаги маҳорати, балки жамиятдаги обрў-эътиборига ҳамда тутган ўрнига нисбатан ҳурматни юзага келтиради.

Компетенция - зарур натижага эришиш учун амалга ошириладиган фаолиятдир. Амалдаги компетентлик-билим маҳсули бўлиб, уни амалиётда қўллай билиш қобилияти ҳисобланади.

“Компетентлик” сўзининг маъноси хабардорлик, обрў, ўз соҳаси бўйича кенг қамровли тушунча ва тажрибага эга бўлиш билан белгиланади. Компетенция-шахсий сифат бўлиб, турли хил вазиятда педагогик фаолият ва ижтимоий ҳаётда ифодаланадиган қобилият, билим, кўникма ва малака ҳисобланади. Таълим ва тарбия жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни жамият талабларини ўзида акс эттирувчи ижтимоий буюртма асосида ҳаётга тайёрлашдан иборат. Таълим ва тарбия жараёнида ёшлар аждодлар томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштириши, ҳаётий тажриба асосида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, салоҳияти ва дунёқарашининг шаклланишида педагог шахси, унинг касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ёшларда давр талабидан келиб чиқувчи янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган сифатларни шакллантириш педагогик фаолият соҳасининг устувор вазифаси ҳисобланади.

Таълим жараёнида, жисмоний тарбия ва спортда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиликлар педагог ҳамда мураббийларга қуйидаги замонавий талабларни қўйиши мумкин:

- ўз спорт турини чуқур билиш ва шахсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;
- ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликда фаолият кўрсатиш;
- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчилар ва ўқитувчилар, мураббийлар ҳамкорлигини шакллантириш ҳамда мувофиқ-

лаштириш, зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи шахсини шакллантириш мумкин.

Бунинг учун ўз соҳаси доирасида фаолият олиб бораётган ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мураббийлар компетенцияга эга бўлиши муҳим.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мураббийнинг компетентлиги педагогик қобилиятнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ бўлади ва қобилият, малака ҳамда уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик жисмоний машқ, ўқиш на-тижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса лаёқат, зехн асос бўлади.

Замонавий таълимнинг асосий мақсади жамият ва давлат учун ҳар томонлама ривожланган, жамиятга, меҳнат фаолиятига ижтимоий мослашувчан, ўз устида ишлай оладиган шахсни тайёрлашдан иборат. Ҳар томонлама ривожланган шахс тарбиясида жисмоний тарбия ва мураббийларда компетентлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний тарбия дарсида психологик-педагогик компетентлик тушунчаси педагогнинг таълим-тарбия жараёнида энг юксак даражада натижага эришиши, юқори касбий салоҳият, шунингдек, мулоқотчанлик ва ижобий фазилатларга эга бўлиш деган хулосага келинади.

Бунинг учун аввало педагогнинг ўзида янгича ёндошув асосида билим бериш, ўзгариб боровчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисидаги Қонуни”да шахс-кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми, кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида белгилаб берилган.[1] Бу эса республикамизда шахсга йўналтирилган таълимнинг йўлга қўйилиши учун зарур асосларни яратиб берди. Олимлар касбий компетенция тушунчасига турлича изоҳ берадилар. Н.А.Муслимовнинг фикрича, “Касбий компетентлик-педагогларнинг касбий фаолиятни назарий ва амалий жиҳатдан амалга оширишга тайёрлиги ҳамда педагогик вазифаларни турлича даражада ечиш қобилиятига эга бўлиши тушунилади”.[2]

Янгича иқтисодий муносабатлар шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Ҳўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини акс эттира олиши зарур? Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритамиз. Инглизча “competence” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни

намоён эта олишни ёритишга хизмат қилади”. “Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “Ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатла-ниш режасига эгаллик”ни англатади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва улар-ни амалда юқори даражада қўллай олиниши ҳисобланади. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаш-тирилишини назарда тутлади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимлари-ни доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо назарда тутлади. Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

1. Мураккаб жараёнларда:

- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда.

2. Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Касбий компетентлик сифатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти ҳақида қисқача баён этсак:

Ижтимоий компетентлик.

1.Ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

Махсус компетентлик.

2.Касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, кўникма ва малакаларни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информация, креатив, инновацион

ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

а) психологик компетентлик

-педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) инновацион компетентлик-педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

3) коммуникатив компетентлик-таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш, намоёниш эта олиш;

б) методик компетентлик

-педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

1. Информацион компетентлик-ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

2. Креатив компетентлик-педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини.

3) Шахсий компетентлик-изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4. Технологик компетентлик-касбий-педагогик илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

5. Экстремал компетентлик-фавқулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгаллик.

Бугунги кунда таълим берувчиларнинг касбий компетентлигини самарали тарзда оширилиб бориш долзарб масалага айланди.[3]

Жисмоний тарбия машғулоти жараёнида ўқитувчининг педагогик компетентлигини ривожлантириш унинг инновацион фаолиятга тайёрлаш масалалари жисмоний тарбия дарслари мазмунини илмий асосда ташкил қилиш унинг ташкилий ва техник асосларини модернизациялаш, креативлигини ошириш, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўналтириш ва талабаларнинг келгуси педагогик фаолиятида назарий билимларини амалиётга татбиқ эта олиши кўникмасини шакллантириш учун жисмоний тарбия фани

ўқитувчиси нафақат мутахассислигини яхши билиши, шу билан бирга юқори касбий салоҳият, мулоқотчанлик, ўз соҳаси бўйича кенг қамровли тушунчага ва тажрибага эга бўлиши керак.

Бу жиҳатдан, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва мураббийларининг касбий компетентлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

References:

1. SH.M.Mirziyoev Jismoniy tarbiyani rivojlantirish tўғrisidagi қонун. Toshkent 2018 yil.
2. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”, “Tahlim tўғrisidagi Қонuni” Toshkent 1997 yil.
3. Muslimov.N.A, Usmonboeva M.Х, Sayfurov D.M, Тўраев A.B Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari-Toshkent. 2015 yil.
4. Muslimov.N.A va boshқalar. Kasbiy tahlim ўқituvchilarining kasbiy kompetentligini shakllantirish texnologiyasi. Monografiya-T: Fan va texnologiya nashriyoti 2013 yil.